O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI HOKIMINING

QARORI

Andijon sh., Abdurauf Fitrat k. 239-uy

20 21 -yil. 23 - март 92-к -son Andijon sh.

Вилоятдаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Қонуни *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 508-модда)*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 4 апрелдаги “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги 101-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 138-модда)*га асосан вилоятдаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят молия бош бошқармасининг 2021 йил 4 январдаги 01-2722 сонли шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари томонидан қабр ковлаш хизмати учун амалдаги таърифларни қайта кўриб чиқиб, ҳокимликлар билан келишилган таърифларни белгилаш тўғрисидаги хати маъқуллансин.

2. Вилоятдаги қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича таърифлар миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тасдиқланган янги таърифлар миқдори ҳақида аҳолига тегишли тартибда маълумотларни етказиш чораларини кўрсинлар.

4. Ушбу қарор “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталарида хамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб сайтида эълон қилинсин, қарор расмий эълон килинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ш.Абдураҳмонов**

Вилоят ҳокимининг 2021 йил
"23" апрел даги 92-қ - сонли
қарорига илова

Андижон вилоятида жойлашган қабристонларда дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида (1 дона қабр кавлаш хизмати учун вилоят учун ягона нарх)

(сўм ҳисобида)

№	Харажатлар номи	Ўлчов бирлиги	тариф коэф (679330 сўм- ЭКИМ)	Қабр қазиш (катта ўлчамда)	Қабр қазиш кичик ўлчамда 4 ёш-15 ёшгача)	Қабр қазиш гўдаклар учун (0 ёш-3 ёшгача)
1	Асосий иш ҳақи	сўмда	1.316	50300	25150	0
2	Иш ҳақига мукофотлар МРЖ	сўмда		28100	14050	0
3	Иш ҳақидан ажрама 25 %	сўмда		19600	9800	0
4	Иш ҳақи билан боғлиқ жами харажалар	сўмда		98000	49000	0
	Бошқа харажатлар(бетон устунча,кетмон,лопата ва бошқалар)	сўмда		12000	12000	0
5	Бошқа харажатлар жами	сўмда		12000	12000	0
	Жами харажатлар	сўмда		110000	61000	0
	1 дона кабр кавлаш хизмати	**сўмда**		**110000**	**61000**	**0**

Изоҳ: 1. Гўдаклар учун "0" ёшдан "3" ёшгача дафн хизматлари бепул кўрсатилади.

2. Дафн хизматлари кўрсатиш учун махсус машиналар мавжуд бўлса, махсус машинада хизмат кўрсатиш бепул кўрсатилади.

3. Хукуматнинг тегишли қарорлари билан амалдаги энг кам иш ҳақи миқдори ортганда юқорида тасдиқланган нархлар миқдорини ортирмаган тартибда ички имкониятлар ҳисобидан гўрков штат бирликларига янги энг кам иш ҳақи бўйича иш ҳақи тўланишига рухсат берилади.

Вилоят ҳокимлигининг котибият мудири А.Қосимов

Вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи С.Рахманов